

“ДАВРИЙ БОСМА НАШРЛАР – МАДАНИЯТШУНОСЛИК СУБЪЕКТИ”

ҲАҚИДА

Уктамов Абдумуталлиб Курбонович,

Демократик жараёнларни таҳлил қилиш маркази бош мутахассиси

Аннотация

Мазкур мақолада даврий босма нашрларнинг миллий маданиятшунослик ривожига аҳамияти ҳақида сўз юритилган.

Калит сўзлар: Миллий маданиятшунослик, моддий ва номоддий маданий мерос, оммавий ахборот воситалари, газета, журнал, даврий босма нашрлар.

ABOUT THE CONCEPT OF “PRINTED PUBLICATIONS – SUBJECTS OF CULTURAL STUDIES”

Uktamov Abdumutallib Qurbonovich

Chief Specialist of the Center for the Analysis of Democratic Processes

Annotation

This article talks about the importance of periodicals in the development of national cultural studies.

Keywords: National cultural studies, cultura, material and spiritual wealth, mass media, newspaper, magazine, journal.

О “ПЕРИОДИЧЕСКИХ ИЗДАНИЯХ - СУБЪЕКТАХ КУЛЬТУРОЛОГИИ”

Уктамов Абдумуталлиб Курбонович,

Главный специалист Центра анализа демократических процессов

Аннотация

В данной статье говорится о значении периодической печати в развитии национальной культурологии.

Ключевые слова: Национальная культурология, материальное и нематериальное культурное наследие, средства массовой информации, газеты, журнал, периодические издания.

ДАВРИЙ БОСМА НАШРЛАР МАДАНИЯТШУНОСЛИК СУБЪЕКТИ СИФАТИДА

«Маданиятшунослик» фани ижтимоий гуманитар фанлар ичида ўзининг юксак ўрнига, мамлакат тараққиёти, жамият ривожига муҳим аҳамиятга эга.

«Маданиятшунослик» фани ўзида фалсафа, санъат, ахлоқ, сиёсат каби соҳаларни ҳам қамраб олиб, жамият маданий тараққиёти қонуниятларини ўрганади [1].

Ўзбек маданиятшунослари Усмон Қорабев ва Ғайрат Соатовнинг «Ўзбекистон маданияти» қўлланмасида келтирилишича, XX аср 50-йиллари бошида америкалик маданиятшунос олимлар Алфред Кребер ва Клайд Клакхоннинг «Маданият: тушунча ва таърифлар» номли асарида «маданият» тушунчасининг 164 та таърифи мавжудлиги кўрсатилгани, ҳозирда 400 дан ортиқроқ таърифга эгалигини ёзганлар [2].

Қўлланмада «инсон томонидан яратилган моддий ва маънавий бойликлар йиғиндиси», «моддий ва маънавий қадриятлар», «инсон томонидан яратилган иккинчи табиат», «инсоний фаолият маҳсули», «ижодий фаолият», «ижодий фаолият маҳсули», «жамиятнинг маънавий ҳаёти», «инсоннинг маънавий дунёси», «инсоннинг ахлоқий фазилатлари», «инсоннинг ички ва ташқи олами», «ахлоқий сифатлар йиғиндиси», «жамият фаолияти», «шартли белгилар тизими йиғиндиси», «шартли тасвирлар», «рамзий ишора ва белгилар», «меъёр ва андазалар» ва шу каби таърифлар келтирилган. «Маданият» тушунчаси таърифларининг ортиб боришини маданиятшунослик фани ютуқлари билан ҳам боғлаш ўринли бўлади. Боиси инсоният турмушига оид турли соҳа ва фаолият йўналишлари, ўзаро муносабат ва жамият эҳтиёжига кўра янги пайдо бўлаётган ҳаракатларда «ишланган», «намунавий» даражаларни кашф этиш ёки яратишда соҳа мутахассислари қай даражада муҳим ўрин тутсалар, уларни тадқиқ этиш ва оммалаштиришда маданиятшунослар шу қадар катта аҳамият касб этадилар.

Эътибор қилсак, ҳаётнинг ҳар бир жабҳасида, ҳар қайси соҳа, касб ёки ҳунар бўлмасин, ўз ишининг чинакам устаси бўлган, бажараётган вазифаси ёки тайёрлаётган маҳсулотини санъат асарига айлантираётган ҳар бир киши, шунингдек, бундай инсонларни кўпчиликка ибрат қилиб кўрсатиш орқали жамиятда касбий маданият ва устачилик маҳоратининг юксалишига ҳисса қўшаётган ҳар бир шахс ва воситани маданиятшунослик субъекти, дея баҳолаш мумкин. Жумладан, оммавий ахборот воситаларини ҳам.

Оммавий ахборот воситаси нима? Унинг қандай турлари мавжуд?

Ўзбекистон Республикасининг «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги Қонунида «оммавий ахборотни даврий тарқатишнинг доимий номга эга бўлган ҳамда босма тарзда (газеталар, журналлар, ахборотномалар, бюллетенлар ва бошқалар) ва (ёки) электрон тарзда (теле-, радио-, видео-, кинохроникали дастурлар, Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги веб-сайтлар) олти ойда камида бир марта нашр этиладиган ёки эфирга бериладиган, қонунчиликда белгиланган тартибда рўйхатга олинган шакли

ҳамда оммавий ахборотни даврий тарқатишнинг бошқа шакллари оммавий ахборот воситасидир»¹ дея қайд этилган [3].

Интернет ривож билан ҳамоҳанг равишда оммавий ахборот воситаларининг ижтимоий тармоқлардаги саҳифалари, электрон журналлар ҳам кўпайиб бормоқда. Бу эса медиа воситалар қудратининг янада ортишига хизмат қилмоқда.

Оммавий ахборот воситалари турли соҳа ва йўналишлар, ҳаракатларда олиб борилаётган ислоҳот ва чора-тадбирлар ҳақида ахборот бериш, эришилган натижа ва ютуқларни кенг ёритиш орқали ибрат қилиб кўрсатиш ва тарғиб этиш, қайсидир масалада юзага келаётган хавф-хатарлар ҳақида огоҳ этиш ва мутахассисларнинг ушбу хатарлардан ҳимояланиш бўйича тавсияларини кенг жамоатчилик эътиборига етказиш каби муҳим вазифаларни бажаради.

Маданиятшунослик тадқиқлари асосан таҳлиллар орқали очиб берилишига кўра, ушбу йўналишга оид медиа маҳсулотлар асосан даврий босма нашрлар, телерадиоканаллар, веб-сайтлар ҳамда электрон журналларда ёритилади. Ижтимоий тармоқ саҳифалари ва мессенджерларда эса асосан кичик ҳажмдаги материал ва постлар эълон қилинади.

Сўнгги йилларда газета ва журналлар саҳифаларида ҳам маданиятшуносликка оид кўплаб таҳлилий материаллар эълон қилиб борилмоқда. Айниқса, «Янги Ўзбекистон», «Жадид», «Ишонч», «Миллий тикланиш», «XXI asr», «Инсон ва қонун» каби газеталар, «Тафаккур», «Маънавий ҳаёт», «Жаҳон адабиёти», «Шарқ юлдузи», «Саодат» каби журналлар бу борада алоҳида эътирофга лойиқ.

«Маънавий ҳаёт» журналининг 2023 йилдаги 4-сонида эълон қилинган қатор материалларда маданият, маданиятшуносликка оид масалаларга кенг эътибор қаратилган.

Хусусан, фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) Муниса Маврулова муаллифлигидаги «**Маданий эҳтиёж ва ижтимоий тараққиёт**» сарлавҳали мақолада сўнгги йилларда мамлакатимизда маданият ва санъат соҳасига қаратилаётган эътибор хусусида ҳам маълумот берилган.

«Бугун маданият ва санъат Ўзбекистонда давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланган. 2017 – 2023-йилларда маданият ва санъат соҳасига оид 4 та қонун, Президентнинг 35 дан ортиқ фармони ва қарори, ҳукуматнинг 100 дан ортиқ қарор ва фармойиши қабул қилинди. 2021 йил 23 январда «Маданий фаолият ва маданият ташкилотлари тўғрисида»ги Қонуннинг қабул қилиниши ўзига хос воқеа бўлди. Мазкур қонун билан маданият ва санъат муассасалари, ижодий уюшма ва бирлашмаларнинг ҳуқуқий мақоми белгиланди, ижодкорларни ижтимоий ҳимоя қилишга йўналтирилган ягона ҳуқуқий манба яратилди. Ўзбекистон тарихида илк бор 15 апрель Маданият ва санъат ходимлари куни этиб белгиланди [4]».

¹ <https://lex.uz/docs/1106870>

Муаллиф мақолада маданиятшунослик тадқиқотлари юзасидан ўтказилган социологик сўровлар, уларнинг натижаси ва хулосаларга ҳам тўхталган. Хусусан, Навоий вилоятида ўтказилган социологик сўровда 55,1 фоиз иштирокчи театр ва концерт муассасаларига баъзан боришини, 38,8 фоизи ҳеч қачон бормаганини билдирганидан келиб чиқиб, маданий эҳтиёжларни шакллантиришда жиддий муаммолар борлигини таъкидлаган. Шунингдек, маданият ва санъатга яқин бўлиш ёшларнинг маданий эҳтиёжларини шакллантириш ва қониқтиришда ўзига хос ўрин эгаллаб, ватанга, миллий қадриятларга садоқатни кучайтиришга хизмат қилади, дея хулоса қилган.

Мазкур тадқиқот ва сўровномалар таҳлили миллий маданиятшунослик тараққиёти учун муҳим аҳамият касб этиши баробарида, маданият соҳасини ривожлантириш, маҳаллалар фаолиятини такомиллаштириш каби мақсадлар учун ҳам қимматли маълумот ҳисобланади.

Журналнинг ушбу сониди «**Маънавият бозорга чиқарилмайди**» сарлавҳаси остида миллий ўзликни асраш борасида фикр алмашиш учун адабиётшунос, филология фанлари номзоди, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Зухриддин Исомиддинов ва филология фанлари номзоди, адабиётшунос Раҳмон Қўчқор билан бўлган суҳбат эълон қилинган.

Унда миллий ўзликни, номоддий маданий қадриятлар ва меросни муҳофаза қилишда мутолаа маданиятининг юксак аҳамият касб этиши, бу борада газета ва журналлар улкан вазифа бажариши очиб берилган.

Хусусан, суҳбатни уюштирган Боборавшан Ғозиддиновнинг «*Ёшлар орасида бошқа халқлар маданиятига маҳлиёлик, уларга ўхшашга қизиқиш кучайиб борапти. Оломон маданияти, «фақат мен» деган зоя кучаймоқда. Бунинг сабаблари нимада деб ўйлайсиз?*» деган саволига Зухриддин Исомиддинов берган жавобда қуйидаги фикрлар ҳам ўрин олган:

– *Ўзбек халқи тарихида бир неча бор маданий кўтарилиш бўлган. Ҳеч шубҳасиз, ўтган асрнинг 60-йилларида халқимизнинг миллийлиги барқ уриб гуллади. Улар биз бугун эриша олмаётган миллийлик даражасига ҳам чиқа олган. Биз номини тилга олганимиз Абдулла Орипов, Эркин Воҳидовлар кўзга кўринган байроқдорлар эди. Уларнинг атрофида турли соҳа кишиларидан иборат жуда катта зиёлилар гуруҳи бор эди. Улар тинимсиз китоб ўқирди. Умуман бутун халқ китобхон эди. «Фан ва турмуш» деган журнал ўша пайтда ўзбек халқининг ўқитувчисига айланган эди. Кейинроқ «Гулистон» журнали чоп этила бошлади. Ёки «Тошкент оқшоми» газетаси юз минглаб нусхада босиларди. Бундай наشرлар ҳар бир хонадонга кириб борарди. Демоқчиманки, 1960-йиллар авлодининг уйғонишига сабаб улардаги маърифат кучи эди. Ҳозир ҳам айрим қишлоқларга борганимда гоҳида ёши саксондан ошиб ҳам мутолаадан тўхтамаган ўша авлод вакилларига дуч келаман. Суҳбатлашгандаёқ сезилади, улар билимли одамлар. Фақат билимлигина эмас, маърифатли, ниҳоятда зиёли одамлар [5]».*

Ушбу фикрлардан даврий босма нашрларнинг миллий маданиятни асраш, ватанпарварлик, инсонпарварлик маданиятини шакллантиришдаги муҳим роли баён этилган. Мақола ўқувчида мутолаага бўлган эътибор ва иштиёқни юксалтиришга хизмат қилади.

«Янги Ўзбекистон» газетаси ҳам миллий маданиятшунослик ривожига муносиб ҳисса қўшиб келаётган энг етакчи нашрлардан ҳисобланади. Мазкур газетада чоп этилаётган аксар мақолаларда турли соҳа ва йўналишларга ёки ўзаро муносабатга ҳос маданиятнинг шаклланиши тадқиқига оид фикр ва мулоҳазалар, таҳлиллар бериб борилади.

Масалан, газетанинг 2023 йил 12 декабрь кунги 258 (1047)-сонига эълон қилинган тарих фанлари доктори, профессор Абдухалил Маврулов муаллифлигидаги **“Истеъмолчилик кайфиятидан яратувчанлик муҳити сари”** сарлавҳали мақолада истеъмол маданиятининг аҳамияти батафсил таҳлил қилинган.

Мақолада келтирилган қуйидаги фикрлар алоҳида эътиборга лойиқ:

“Истеъмол умуминсоний нуқтаи назардан соғлом ва носоғлом бўлиши мумкин. Соғлом истеъмол бизнинг айни пайтда инсон сифатида ўз жисмоний ҳолатимизни нормал вазиятда ушлаб туриш, амалга оширадиган хатти-ҳаракатларимиз давомида янги куч-қудратга эга бўлиб туришимиз учун зарур бўладиган қадриятдир. Бунда биз ўзимиз учун айнан ҳозир керак бўладиган моддий неъматларни истеъмол қилишимиз соғлом истеъмолни таъкил этади [6]».

Шунингдек, муаллиф мақоланинг хулоса қисмида Янги Ўзбекистонни барпо этиш учун юртимизни истеъмолчилар мамлакатидан яратувчилар маконига айлантириш зарурлигига урғу беради.

Бир қарашда, мазкур хулоса ҳаракатнинг «истеъмолчилик» қисмидан «яратувчилик» қисмига тўлиқ ўтиб кетилганини кўрсатса-да, моҳиятан унда юксак истеъмол маданиятини шакллантириш моддий ва маънавий меросимиздан улкан яратувчилик мақсадларида фойдаланиш имконини оширишга хизмат қилишига ишора мавжуд.

Газетанинг ушбу сонига Чингиз Айтматов номидаги халқаро академия аъзоси, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист, «Жаҳон адабиёти» журнали бош муҳаррири Аҳмаджон Мелибоевнинг Чингиз Айтматов таваллудининг 95 йиллигига бағишланган **«Асрлар ошган ҳақиқатлар»** сарлавҳали мақоласи эълон қилинган. Ушбу мақолада миллий маданиятшунослик тадқиқларига ҳос мулоҳаза ва таҳлиллар ҳам берилган. Хусусан, Чингиз Айтматовнинг қуйидаги фикрларини иқтибос сифатида келтирилган:

«Бир маданиятнинг гегемонлиги ҳеч қачон жаҳон миқёсида маданий уйғунликка олиб келмайди. Мен ёзувчи, шахс сифатида бунга тамомила қаршиман. Нафақат маънавий ҳаётда, балки давлат моделини танлашда ҳам миллий ўзлгимизни асраб қолишимиз зарур [7]».

Дунё эътироф этган шахс томонидан айтилган ушбу сўзлар миллий маданиятшунослик аҳамияти ва унга нисбатан эҳтиёжнинг нақадар улкан зарурат эканини очиб берган.

Юқоридаги мисоллардан кўришимиз мумкинки, даврий босма нашрлар миллий маданиятшунослик ривожига хизмат қилувчи муҳим субъектлардан биридир. Айниқса, турли ёт ғояларни сингдириш ва «омма маданияти»ни олиб киришга бўлаётган уринишларга қарши кураш ҳамда аҳоли саводхонлиги ва медиа билимдонлигини оширишда босма нашрлар алоҳида аҳамият касб этади.

Шу маънода, Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг «Янги Ўзбекистон стратегияси» асарида белгиланган қадимий тарихимиз ва маданиятимизга оид янги илмий тадқиқотларни амалга ошириш вазифаси [8] ижросини таъминлашда ОАВ, хусусан, даврий босма нашрларнинг маданиятшунослик субъекти сифатидаги ролини ошириш, ундан унумли фойдаланиш зарур.

Абдумуталлиб Уктамов,

Демократик жараёнларни таҳлил қилиш маркази
бош мутахассиси.

Адабиётлар рўйхати:

1. Азимов Ҳ.И. – «Маданиятшунослик фанидан ўқув-услубий қўлланма», Тошкент, ТДЮУ – 2009.
2. Қорабев У., Соатов Ғ. – «Ўзбекистон маданияти», Тошкент, «Тафаккур бўстони» – 2011.
3. Ўзбекистон Республикасининг «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги Қонуни (ЎРҚ-78-сон, 15.01.2007 йил) – «Халқ сўзи» газетаси 2007 йил 16 январдаги 11-12 (4164-4165)-сони.
4. Маврулова М. – «Маданий эҳтиёж ва ижтимоий тараққиёт» – «Маънавий ҳаёт» журнали 2023 йил 4-сони, 108-109-бетлар.
5. Ғозиддинов Б. – «Маданий эҳтиёж ва ижтимоий тараққиёт» – «Маънавий ҳаёт» журнали 2023 йил 4-сони, 108-109-бетлар.
6. Маврулов А. – «Истеъмолчилик кайфиятидан яратувчанлик муҳити сари», «Янги Ўзбекистон» газетаси 2023 йил 12 декабрь кунги 258 (1047)-сони (1-, 3-бетлар) – Тошкент, 2023, «Шарқ» НМАК.
7. Мелибоев А. – «Асрлар ошган ҳақиқатлар», «Янги Ўзбекистон» газетаси 2023 йил 12 декабрь кунги 258 (1047)-сони (6-бет) – Тошкент, 2023, «Шарқ» НМАК.
8. Мирзиёев Ш. «Янги Ўзбекистон стратегияси», Тошкент – 2021.